



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУз

### АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2022  
1/4**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

**Сагдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.

**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.

**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.

**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.

**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.

**Муртазаева Р.Х.** – т.ф.д., проф.

**Мўминов А.Г.** – с.ф.д., проф.

**Ганиева М.Х.** – соц.ф.д., проф.

**Мадаева Ш.О.** – ф.ф.д., проф.

**Туйчиев Б.Т.** – ф.ф.д., проф.

**Мухаммедова Д.Г.** – псих.ф.д.

**Тўхтаев Х.П.** – ф.ф.н., доц.

**Болтабоев Х.** – фил.ф.д., проф.

**Раҳмонов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Жабборов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Сиддиқова И.А.** – фил.ф.д., проф.

**Ширинова Р.Х.** – фил.ф.д., проф.

**Садуллаева Н.А.** – фил.ф.д., доц.

**Арустамян Я.Ю.** – фил.ф.д., доц.

**Пардаев З.А.** – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

|                                                                                                                                     |    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Абдурахманов А. 1960-1980 йилларда Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш фаолияти.....                         | 4  |
| Аҳмедов С. Мовароуннахрда Ҳанафий фикҳининг шаклланиши ва таракқиёти .....                                                          | 8  |
| Бегалиев Ж. Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқининг химоя қилиниши тарихи .....                                                          | 12 |
| Jumayev B. O'zbekistonda gastronomik turizm sohasida kadrlar tayyorlash masalasi.....                                               | 15 |
| Джураева С. Амир Темур ва темурийлар даври зиёратгоҳлари тарихи, меъморчилиги .....                                                 | 19 |
| Иноятгов Ж. Россия империяси даврида қўлланилган фотоаппаратлар ва уларнинг хусусиятлари .....                                      | 22 |
| Сайфуллаев Б. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида транспорт-коммуникация соҳасида истиқболли ҳамкорликнинг хусусиятлари.....           | 25 |
| Холбаев Х. Один из подходов к причинам отступления рабоче-крестьянской Красной Армии в начальном периоде Второй Мировой Войны ..... | 28 |

### Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология. Сиёсий фанлар

|                                                                                                                                                           |     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Абдиназарова Н. Мамлакатимиз ҳудудида болаларнинг меҳрибонлик уйига тушиш сабаблари ижтимоий-психологик таҳлили .....                                     | 31  |
| Абдуллаев С. Янги Ўзбекистон таракқиёт стратегиясида аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларининг социологик таҳлили .....                                   | 34  |
| Arripjanova M. Professional ta'lim muassasalarida o'quvchilarning kommunikativ kompetentsiyalarini shakllantirishning mohiyati .....                      | 39  |
| Axmedova D. Oliy ta'lim muassasalarida kredit modul tizimida talabalarning mustaqil o'qishini tashkil etishning didaktik imkoniyatlari .....              | 42  |
| Бекмуродова Ҳ. Ўсмирларда касбий фаолият мотиви шаклланишига таъсир этувчи омиллар .....                                                                  | 45  |
| Воҳидов Э. Физика фанини ўқитишда фанлараро боғлиқлик самарадорлиги .....                                                                                 | 49  |
| Ғаниев О. Ўзбекистоннинг ривожланишида янги авлод мутахассисларининг тутган ўрни: миллий ва хориж тажрибаси қиссий таҳлили .....                          | 52  |
| Gulmatova N. Pedagogik texnologiyalar vositasida o'quvchilarning mantiqiy fikrlashini rivojlantirish .....                                                | 56  |
| Gulomova N. Chizmachilik darslarida nostandart testlarni qo'llab bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy sifatlarini rivojlantirish .....                       | 60  |
| Дехқонов Э. Олий таълим соҳасида давлат сиёсатининг шаклланиши хусусида айрим мулоҳазалар .....                                                           | 64  |
| Djabbarova N. Coursebook evaluation and material development in different checklists .....                                                                | 67  |
| Djurayev M. Geografik ob'yektlarda ma'lumotlar bazasidan foydalanish .....                                                                                | 71  |
| Жабборов С. Экзистенциализм фалсафасида инсон бегоналашуви масаласи.....                                                                                  | 75  |
| Jamolova G. Maydoniy hamda bipolyar tranzistorlarning ishlash holatini multisim dasturi orqali o'rganish .....                                            | 79  |
| Исабаева М., Каримова Д. Бўлажак биология ўқитувчиларини касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг дидактик мазмуни.....                                    | 85  |
| Исмаилова М. Стратегик компетенция ва унинг когнитив ва метакогнитив аспектлари.....                                                                      | 89  |
| Йўлдошев Р. Динамик моделни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган тамойил ва ёндашувлар тавсифи .....                                                            | 89  |
| Каримов Й. Тарихий тафаккурни шакллантиришда тарихий фильмларнинг ўрни .....                                                                              | 92  |
| Каюмов О. Интерактив интеллектуал электрон таълим ресурсини сунъий интеллект ёрдамида яратиш.....                                                         | 96  |
| Кистаубаев С. Билан боғлиқ удумларнинг кадрият шаклида намоён бўлиши.....                                                                                 | 100 |
| Kochkarova Sh. Psychological principles of language learning for young learners .....                                                                     | 103 |
| Курбаниязова Р. Ҳуқуқий менталитет ва жамиятнинг ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлари .....                                                                       | 105 |
| Мамадиева Г. “Жоҳилия” даври молиявий муносабатларида судхўрлик ва рибога муносабат.....                                                                  | 109 |
| Mamirova Z., Taylakova G. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tabiat bilan tanishtirishning mazmuni.....                                                   | 112 |
| Maxkamova S. Подготовка будущих учителей к художественному анализу пейзажного произведения в школе .....                                                  | 117 |
| Mirsagatova N. Alisher Navoiy asarlarining shaxs ma'naviy-axloqiy fazilatlarini rivojlantirishdagi ahamiyati ....                                         | 119 |
| Муллабаева Н. Мактабдаги хавфсизлик муҳитига таъсир қилувчи омиллар (СМОВ сўровномаси асосида) .....                                                      | 122 |
| Мустафоева И. Бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентлик намоён бўлишининг психологик хусусиятлари.....                                                    | 126 |
| Mukhammedov E. Assessment literacy: fundamental considerations in compiling reading items .....                                                           | 129 |
| Nematov L. Texnika oliy ta'lim muassasalarida “elektrotexnika va elektronika” fanini o'qitishni takomillashtirish metodikasi .....                        | 133 |
| Нурова О. Техника олий таълим муассасаларида “материаллар қаршилиги” фанини ўқитиш асосида лойиҳавий-конструкторлик компетенцияларини ривожлантириш ..... | 136 |
| Одилов Қ. Замонавий жамият таракқиётида ахборот ва рақамли иктисодиётнинг роли масаласига доир ...                                                        | 139 |
| Ravshanova T., Isanova N. Using interactive teaching methods in english language classes .....                                                            | 142 |
| Ражабов А. Талабаларни касбий тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш .....                                                             | 145 |
| Рахимов Ш. “Worldskills” стандартларини миллий профессионал таълим тизимига жорий этиш масалалари .....                                                   | 147 |



**Жавлонбек БЕГАЛИЕВ,**

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти таянч докторанти*

E-mail: [javlonbek.begaliyev@mail.ru](mailto:javlonbek.begaliyev@mail.ru)

*ЎЗМУ доценти, т.ф.д. А.Ерметов тақризи асосида*

## ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ ТАРИХИ

Аннотация

Ушбу мақолада муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши тарихи ва унинг ҳуқуқий асосларининг шаклланиши билан боғлиқ айрим мулоҳазалар юритилган. Бутуниттифоқ Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармасининг маҳаллий муаллифлар билан “Марказ”да фаолият юритган муаллифларни ҳуқуқларини бир хилда ҳимоя қилмаганлиги архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** муаллиф, марказ, газета, маҳаллий муаллиф, гонорар, ҳаммуаллифлик, арбитраж, ихтирочи, меросхўр, таржима қилинган асар, қонун-қоида, кашфиётлар, муаллифлик ҳақи.

## HISTORY OF COPYRIGHT PROTECTION IN UZBEKISTAN

Abstract

This article analyzes the history of copyright protection and the formation of its legal framework. The fact that the All-Union Copyright Office did not equally protect the rights of local authors and authors working in the Center was analyzed on the basis of archival documents.

**Keywords:** author, center, newspaper, local author, honorarium, co-authorship, arbitration, inventor, heir, translated work, rule, discovery, copyright.

## ИСТОРИЯ ЗАЩИТЫ АВТОРСКИХ ПРАВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация

В данной статье анализируется история защиты авторского права и информация, связанная с формированием её правовой основы. Тот факт, что Отдел по защите прав авторов всесоюз не в равной степени защищает права местных авторов и авторов, работающих в центре, был проанализирован на основе архивных документов.

**Ключевые слова:** автор, центр, газета, местный автор, гонорар, соавтор, арбитраж, изобретатель, наследник, переведенная работа, закон, открытия, авторское право.

**Кириш.** Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ҳуқуқий демократик давлат яратиш асосий мақсадларимиздан бири этиб танланди. Тарихий тажрибадан келиб чиқиб, барча соҳаларда амалга оширилгани сингари, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди ва илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Мақолада келтириб ўтилган даврда БМХҚБ га қарашли бўлиб ва бўйсуниб фаолият олиб борган Ўзбекистон бўлими, мустақилликдан сўнг, халқаро ҳуқуқ нормалари ва қилишувларга мустақил аъзо бўлиш ва фаолият олиб бориш имкониятига эга бўлди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Мустақиллигимиздан сўнг Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси соҳасида бир қатор маҳаллий ҳуқуқшуносларимиз илмий тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан, мазкур тадқиқот ишлари асосан ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган. Ҳуқуқшунос олимлардан Бобоқул Тошев, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.И.Насриев, Р.Т.Ҳақимов, Г.А.Худайбердиева, И.Б.Зокиров ва бошқа бир қатор олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар.

Жумладан: Ҳуқуқшунос Г.А.Худайбердиева “Турдош ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий муҳофазаси” мавзусида илмий тадқиқот олиб борган ва ҳуқуқий ҳимояга доир ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирган.

Юридик фанлари доктори, И.И.Насриев ўзининг илмий тадқиқот ишларида асар муаллифларининг ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимояси борасида, маҳаллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий асосларни таҳлил қилган. Юқорида келтирилган тадқиқотчиларнинг асарларида

асосан ҳуқуқий жиҳатларга эътибор берилган. Бизнинг мақолада эса тарихи ёритилди.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур илмий мақолани ёзишда назарий-методологик, анализ, синтез, тарихийлик ва ҳолислик, тарихий-қийсий, хронологик усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Тарихга назар соладиган бўлсак, мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиниши тарихи ўтган асрнинг 30 йилларига бориб тақалишини кўришимиз мумкин. Иттифоқ таркибидаги бошқа давлатлар қатори Ўзбекистон ҳудудида ҳам Бутуниттифоқ муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг (БМХҚБ) бўлими фаолияти йўлга қўйилган эди. Ўзбекистон бўлими фаолияти давомида муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, давр мафқураси ва бошқармаси марказда бўлган ҳолатда фаолият юритган. Ў жаҳон уруши йиллари ва бошқа қийинчилик йилларида ҳам муаллифларни ҳимоя қилиш фаолиятини давом эттирди. Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилинишида иттифоқ таркибидаги бошқа республикалар бўлимлари қатори Ўзбекистон бўлимида ҳам кўплаб камчиликлар кузатилди. Айрим муаммолар ҳолатлар ҳатто марказнинг ўзида ҳам кўплаб учраган. Чунки СССР давлати халқаро муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган ташкилотларга нисбатан кечроқ аъзо бўлиб кирган. “СССРнинг ўзи ҳам муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга ихтисослашган ташкилот ёки конвенциянинг шартномаларига ҳам етмишинчи йиллардан кейин аъзо бўлиб кирган эди. Катта бир давлат ичида хорижий муаллифлар асарларидан ҳар қандай кўринишда бемалол, қонунсиз фойдаланиш ҳуқуқини берган”[1]. Демак,

Марказнинг ўзида соҳа билан боғлиқ халқаро тажрибаларнинг нисбатан кеч қўлланилиши, республика бўлимларига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмаган.

Муаллифлар ҳуқуқини муҳофиза қилишда мавжуд бўлган ҳуқуқ нормаларининг тўғри ишласлиги чекка ҳудудларда фаолият олиб борган муаллифларга айрим қийинчиликлар туғдирганини бугунги кун архив ҳужжатлари орқали билиш мумкин. муаллифлик ҳақларини олиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келишса, республика марказларига кела олмаган. Олаётган муаллифлик ҳақлари микдорининг камлиги ёки соҳа билан боғлиқ юкламаларнинг кўплиги сабаб бўлиши мумкин. Тошкентда фаолият юритаётган Аҳмад Бобожонга Андижондан юборилган мактубда қуйидагилар келтирилган. “Тошкентга боришга ҳеч фурсат бўлмаётир. Шу кунларда Аббос Ботиров, Хайруллаев ва бошқалар бир неча марта Тошкентга боришиб келишди. Мен улар билан боришга қизиқсам ҳам насиб бўлмади. Область партия комитети бир қанча ишлар топширган. Юбилейни ўтказиш комиссиясида ҳам борман”[2]. Ушбу маълумотлар юкламалар кўплиги, ижод қилиш имкониятининг камлигини кўрсатмоқда.

Айрим журналларда ёритилган қизиқарли материаллар қайта нашр қилинса, бу асар муаллифига қалам ҳақи туланмаган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин. Жумладан: “Ёш Ленинчи” газетаси муҳаррири С.Юлдашевнинг таъкидлашича, улар Марказий журналлардан қизиқарли бадиий материалларни қайта нашр қилиб келишган ва нашр этилган материал муаллифларига қалам ҳақи тўланмаганлиги ва тўламасликларини маълум қилган[3]. Қайта нашр қилинган ва қалам ҳақи тўланмаган асарлар қаторига “Огонёк” журналида нашр қилинган, “Ёш Ленинчи” газетасида қайта нашр қилинган “Ягуар - 13” ҳикоясини келтириб ўтиш мумкин. Ҳақ тўланмаслиги маблағ йўқлиги билан изоҳланган ҳолатлар ҳам учраган. Бу каби ҳолатлар муаллифлик ҳуқуқи муҳофизаси соҳасидаги мавжуд қонунчиликнинг ҳали этарли даражада эмаслигини кўрсатади.

БМХХБ нинг Ўзбекистон Бўлими муаллифлик қалам ҳақларини тўлашда бир қатор камчиликларга йўл қўйган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин. Мисол тариқасида “Фарход ва Ширин” мусиқали драмаси учун Мусиқа ҳаммуаллифлари Ю.Ражабий ва Б.Надеждин тақдим этган келувшга асосан мусиқа ҳақини тенг равишда (ҳар бири 50 % дан) ажратишга келишиб олинган. Шунга қарамай ўзбек бўлими раҳбарлари 1949, 1950 ва 1951 йиллар учун 62442 рубл миқдорида ҳақ тўладилар[4]. Аммо бу миқдор ҳаммуаллифлар ўртасида белгиланган келишув асосида амалга оширилмаган. Асар муаллифларига тўловлар тақсимотидаги баҳсли ҳолатларни фақат “Фарход ва Ширин” мусиқали драмасида эмас балки, “Лайли ва Мажнун” ва “Алпомиш” пиесалари учун яратилган мусиқа ҳаммуаллифлари ўртасида ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбекистон ССР ҳудудидаги вилоят ва шаҳар театрларидан қарзларни йиғиб олиш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Айрим ҳолларда прокуратурага мурожаат қилинган, бироқ бундан ижобий натижалар кам бўлган. Қашқадарё вилоятидаги айрим театрлари тизимли равишда молиявий ва касса интизомини бўзган, тушимларни давлат банкига топширмаган ва шунинг натижасида муаллифлик ҳақи тўланмай қолган ҳолатлар ҳам кузатилган[5]. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун Бутуниттифок Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармасининг, Ўзбекистон бўлими ЎзССР Республика прокуратурасига мурожаат қилган. Қашқадарё вилояти ва туман прокуратурасига бу масала етиб борган

бормаганлиги ноаниқ бўлиб қолган. Юқоридаги ҳолатлар айрим давлат ташкилотларининг муаллифлар ҳуқуқий ҳимояси борасидаги ишларга жиддий эътибор бермаганлигини кўрсатади.

Маҳаллий муаллифлардан Абдулла Қаҳҳор “Ипак сўзана” пиесаси учун 1951-йилнинг декабрида имзоланган умумий келишув асосида муаллифлик ҳақини тўлиқ олди. Ушбу асарнинг бошқа тилларга ҳам таржима қилинганлиги ҳисобга олинганда, Абдулла Қаҳҳорга берилган маблағнинг 50% ини олиб ташлаш ва Ленинград филиалига юбориш керак бўлади. Муаллиф Абдулла Қаҳҳор умумий сумманинг 25% ини олиши керак эди[6]. Муаллифлик қалам ҳақлари билан боғлиқ ҳисоб-ҳитобларнинг ўз вақтида ва тўғри йўлга қўйилмаганлиги асар муаллифлари билан бир қаторда БМХХБ (Бутуниттифок Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармаси) ва республика Бўлимларида фаолият юритаётган ходимлар учун ҳам муаммоларни келтириб чиқарган.

Юқорида келтирилган ҳолатлар асар муаллифлари ҳуқуқи ҳимояси соҳасидаги мавжуд қонунларга зид эканлигини ҳам кўриш мумкин. БМХХБнинг Ўзбекистон бўлими собиқ директори Т.Фатхуллин ва унинг ўринбосари Колесниченко “СССР муаллифлик ҳуқуқи асослар”нинг 5-моддасини ҳамда “Ўзбекистон ССР доирасида драматик, мусикий, мусикий-драматик ва бошқа асарларни омма олдига ижро этиш учун тўлов тартиби ва қалам ҳақи миқдори тўғрисида” ги қарорини кўпол равишда бузганлиги, бир қатор мусикий асарлар муаллифлари орасида тўловлар нотўғри тақсимланганлиги архив ҳужжатларида келтириб ўтилган[7].

Совет ёзувчилар уюшмасининг қарори билан 1951-йил 1-январдан БМХХБ фойдасига Адабиёт фонди ва Мусиқа фондидан ажратмалар миқдори 3% дан 2% га қисқартирилган[8]. Бу албатта ўша даврда марказдан бошқариб турилган республика бўлимларида ҳам тўлиқ амал қилган. Асар муаллифларини ҳимоя қиладиган ташкилотга тушаётган пул маблағларини қисқартириляётган соҳа вакилларида берилляётган эътиборнинг қай даражада эканлигини кўрсатган эди.

Маҳаллий муаллифларнинг кўпчилиги ўзларини ҳимоя қиладиган механизмлардан хабардор бўлмаганликлари ҳам улар учун салбий оқибатларни келтириб чиқарган. Ўзлари олиши керак бўлган гонорарлари вақтида ва тўлиқ олишмаган. Муаллифларнинг розилигисиз асарларни таржима қилиш ёки қайта нашр қилиш ҳолатлари одатий ҳолга айланиб қолиши дастлабки даврларда муаллифлик ҳуқуқларининг бўзулиши яққол кўрсатган. Мавжуд қонунлардан беҳабар, муаллифлик ҳақи қанча берилишидан қатий назар, бориға шукр қилиб кетадиган муаллифлар ҳам кейинчалик, мавжуд механизмлардан хабардор бўлишга ҳаракат қилишган. Жумладан: юқорида номи келтирилган муаллиф Мулла Карим Тошкентга юборган мактубида айрим маълумотлар келтириб ўтган. “Ишқ билан ўйнашма”нинг пулини ҳали олганимиз йўқ. Министрликдан берар эмиш, деб эшитдик. Шунга ҳам кўникдик. Ўртоқ Хайруллаев борса, пулларни олиб келар деб турибман. Энди гонорара ҳақида шуни демоқчиман. Сизлардаги қонун – қонидани билмайман. Агар вақтингиз бўлса, шу ҳақида жиндакина тушунтириш ёзиб юборсангиз жуда хурсанд бўлар эдим”[9]. Маҳаллий муаллиф Мулла Карим муаллифлик ҳақини ололмаётгани баробарида, мавжуд қонун – қоидаларни билмаслиги маълум қилган. Демак, биз таҳлил қилишимиз мумкинки, мамлакатимиз ҳудудида ўз ҳуқуқларини етарли даражада билмайдиган муаллифларни кўллаб учратиш мумкин бўлган.

Айрим камчилликларга қарамасдан БМХХБ нинг Ўзбекистон бўлими кўплаб муаллифларнинг манфаатларини ҳимоя қилди. Муаллифларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун албатта ушбу муаллифлар, Бутуниттифок муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Бошқармасининг рўйхатидан жой олиши шарт эди. Албатта бу рўйхатдан жой олиш, давлат учун айрим тўловларнинг жорий этилиши билан боғлиқ бўлган, шунингдек, муаллиф учун фойдали томонлари ҳам борлигини такидлаш мумкин. Жумладан: муаллифларни рўйхатга олиш учун а) Муаллифнинг ўз яшаш жойи б) меросхўрлар қайерда яшашидан қатъий назар, муаллиф рўйхатдан ўтган бўлимда қайд этилади в) муаллифни рўйхатга олиш варақаси, имзоланган ҳолатда д) талаб қилинган ва асар муаллифига муаллифликни тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа асослар талаб этилган[10]. Нафақат маҳаллий муаллифлар учун, балки Иттифок таркибида фолият юритаётган барча муаллифлар учун қулайлик туғдирди. БМХХБ директори Г.Г.Эльчибеков 1956-йилнинг 23-мартда Ленинград, Киев, Тошкент ва Олмаота бўлимларига мурожаат билан чиқиб, ушбу ҳудудларда Татар шоири Мусо Жалилга телишли бўлган шерлари нашр этилганлиги ҳақида маълумот борлиги, агар нашр этилган бўлса, унинг кизи С.Л.Мусаевнага муаллифлик ҳақини тўлаб беришларини сўраган[11]. Агар юқорида келтирилган муаллифлар рўйхатига киритиш учун б) бандда келтирилган меросхўрлар рўйхати шакллантирилмаса, муаллиф вафот этгандан сўнг унинг меросхўрлари муаллифлик ҳақларини олиши билан боғлиқ муаммоларга дуч келишган.

Бу борада Ўзбекистон бўлими ҳам муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида мавжуд қонунлардан келиб чиқиб, “Мусо Жалилнинг Меросхўрларига муаллифлик ҳақи, уларни мерос ҳуқуқи билан тасдиқлаш тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхасини олгандан кейин, меросхўрларга муаллифлик ҳақларини тўлаб берилиши мумкинлиги такидланган”[12].

Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда кашфиётлар ва ихтиролар муаллифларига қонун доирасида айрим имтиёзлар берилган. “Илмий ходимларнинг лавозимларни имтиёзли эгаллаш ҳуқуқи. Низомга (76-модда.) кўра, кашфиётлар муаллифлари, бошқа жиҳатдан тенг бўлганда, бу шунинг англатадики, бир хил илмий ходим лавозимига бир нечта шахс, шу жумладан кашфиёт муаллифи мурожаат қилса, унга устунлик берилиши шарт[13]. Демак кашфиёт муаллифларига устунлик берилиши муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилинишининг бир кўриниши дийишимиз мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Бобокул Тошев. Муаллифлик ҳуқуқи. - Тошкент. 1997. 4-бет.
2. ЎзМА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 79-иш, 28-варақ.
3. ЎзМА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 221-варақ.
4. ЎзМА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 50-иш, 1-варақ.
5. ЎзМА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 42-иш, 24-варақ.
6. ЎзМА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 207-варақ.
7. ЎзМА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 50-иш, 1-варақ.
8. ЎзМА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 46-иш, 49-варақ.
9. ЎзМА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 79-иш, 28-варақ.
10. ЎзМА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 132-иш, 104-варақ.
11. ЎзМА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 73-иш, 111-варақ.
12. ЎзМА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 73-иш, 110-варақ.
13. Ефимов, Евгений Николаевич. “Правовая охрана научных открытий в СССР”. Издательство “Знание”. - Москва. 1972 г. 29 бет.
14. Бобокул Тошев. Муаллифлик ҳуқуқи. - Тошкент. 1997. 5-бет.
15. Жавлонбек Бегалиев. “Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқининг шаклланиши тарихи”. Ўтмишга назар журнали. 2 - махсус сон. Тошкент. 2020. 91 бет.
16. Абельдяев Л.С.и Лагутин А.Ф. “Защита прав изобретателей и рационализаторов”. - Москва. “Юридическая Литература”. 1987 г.

Муаллифлик ҳуқуқида таржимонлар ҳам фаол ишлаган. Аммо меҳнатига яраша ҳақни ҳар доим ҳам тўлиқ олиш насиб қилмаган. “Республикаимиз муаллифлари ўзлари томонидан хорижий тилларга таржима қилинган ва нашр этилган асарлардан келадиغان фойданинг 45 – 50 % “Марказда” ушлаб қолинган. Айрим ҳолатларда эса, “Марказ” муаллифларнинг розилигисиз асарларини таржима қилишга ва фойдаланишга йўл қўйган”[14]. Бу ҳолат маҳаллиф муаллифларга нисбатан кўплаб кузатилганлини кўришимиз мумкин, аммо “Марказ”даги муаллифларга муносабат анча ижобий бўлган. Масалан: муаллифлар ҳуқуқларининг бузулиш ҳолатлар куплаб учраган. Ушбу ишлар СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги санъат ишлари бўйича комитетга қарашли арбитажда кўриб чиқиладиغان бўлди. Шуниси қувонарлики, кўриб чиқилган ишларнинг 95% бошқарма, яни муаллифлар фойдасига ҳал бўлди. Аммо арбитажда кўриб чиқилган ишларнинг жуда кам қисми марказдан ташқаридаги ҳудудларга тўғри келиши ачинарли ҳолат ҳисобланади[15]. Бу ҳолатлар ҳам автеном ҳудудларда муаллифлар ҳуқуқи марказга нисбатан анча оғир аҳволда эканлигини кўрсатади.

Муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муаммоли ҳолатлардан яна бири, Муаллифлик ҳақидаги низолар (Ҳаммуаллифлик), ушбу тоифадаги низолар, барча ихтирочи низоларининг ичида энг мураккаби ҳисобланган[16]. Муаллифлар таркиби ва ихтирони яратишда уларнинг ижодий иштироки тўғрисида келишувга эриша олмаса ўз вақтида СССР Ихтиролар ва кашфиётлар бўйича қўмига мурожаат қилиши керак бўлади. Бу масалада мавжуд қонунлардан келиб чиқиб, ихтиронинг ҳақиқий яратувчиси бўлган муаллиф ҳуқуқлари ҳимоя қилинган.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса ўрнида шунинг такидлаш мумкинки, маскур даврда БМХХБнинг Ўзбекистон бўлимининг очилиши ва фаолият юритишини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Аммо маҳаллий муаллифлар ва “марказ”да фаолият юритган муаллифларга муносабатни бир хил эмаслигини архив ҳужжатлари кўрсатмоқда. Республика муаллифларининг розилигисиз уларнинг асарларини таржима қилинган ёки муаллифлик ҳақларини тўлиқ ололмаган ҳолатлар ҳам кўплаб учраган. Бундай ҳолатлар марказдан узоқда фаолият юритаётган муаллифларга эътиборнинг камлиги ва муаллифларнинг кўпчилиги уларни ҳимояси борасидаги мавжуд қонун - қоидаларни яхши билмаганликлари билан изоҳлаш мумкин.